

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИ БЎЙИЧА
БАРҚАРОР ЭПИДЕМИК ВАЗИЯТНИ ТАМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР,
ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР**

Мирзаев У¹., Атабеков Н.С¹., Ражабов Г.Х.²

¹*Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси*

²*Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти*

**ПРОБЛЕМЫ, РЕШЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ЗАДАЧИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ
СТАБИЛЬНОЙ ЭПИДЕМИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ ПО БЕШЕНСТВУ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Мирзаев У¹., Атабеков Н.С¹., Ражабов Г.Х.²

¹*Комитет по санитарно-эпидемиологическому благополучию и общественному
здоровоохранению*

²*Ташкентский научно-исследовательский институт вакцин и сывороток*

**PROBLEMS, SOLUTIONS, AND FUTURE TASKS IN ENSURING A STABLE
EPIDEMIOLOGICAL SITUATION FOR RABIES IN THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN**

Mirzayev U¹, Atabekov N.S¹, Rajabov G. X.²

¹*Committee for Sanitary and Epidemiological Well-Being and Public Health of the
Republic of Uzbekistan.*

²*Tashkent Scientific Research Institute of Vaccines and Serums*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19983461>

Аннотация: мақолада кўп йиллик динамикада республикада қутуриш касаллиги бўйича эпидемик ва эпизоотик вазият, касаллик кўрсаткичлари, эпизоотия ва эпидемияни ҳаракатлантирувчи кучлар, амалга оширилган эпидемияга қарши ва профилактик чора-тадбирлар ҳолати таҳлил қилинган. Мақолада кўп йиллар мобайнида одамларнинг қутуриш касаллигини юктириб олиши хавфи баланд бўлган уй ҳамда ёввойи ҳайвонлардан жараҳатланиши ва қутуриш касаллиги қайд этилиши кўрсаткичларининг (асосан жабрланаётган аҳоли қатлами, касаллик манбаи, юқиш йўллари ва бошқалар) асосий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари, шошилиш профилактика тадбирлари ўтказилишидаги муаммоларни ўрганиш натижалари ёритилган. Таҳлиллар натижасида қутуриш касаллиги бўйича ҳозирги кундаги эпидемик вазиятга баҳо берилган ва унинг кейинги йиллардаги ривожланиши башорат қилинган. Республикада қутуриш касаллиги тарқалишининг ўзига хос эпидемиологик ва эпизоотологик хусусиятлари ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш. Эпидемияга ва эпизоотияга қарши ҳамда профилактик тадбирларни самарадорлигини ошириш, қутуриш касаллиги тарқалишини ўзига хос хусусиятлари ва профилактик тадбирларни такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қутуриш касаллиги, эпидемия, эпизоотия, уй ҳамда ёввойи ҳайвонлар тишлаши, вакцинация, оператив ва ретроспектив таҳлил, лаборатория текширувлари, ҳудудлар

Аннотация: В статье анализируется эпидемиологическая и эпизоотическая ситуация с бешенством в республике, показатели заболеваемости, факторы, способствующие возникновению эпизоотий и эпидемий, а также применяемые противоэпидемические и профилактические меры. Освещаются увеличение показателей повреждений от животных с высоким риском заражения, случаи неполного проведения неотложной профилактической работы (активного и пассивного иммунитета), их результаты. В результате анализа дана оценка нынешней эпидемиологической ситуации и прогнозируется её развитие в последующие годы. Даны предложения по повышению эффективности противоэпидемических и профилактических мероприятий.

Ключевые слова: бешенство, эпидемия, эпизоотия, травмы от животных, вакцинация, ретроспективный анализ, лабораторные исследования, регионы

Abstract: The article analyzes the epidemiological and epizootic situation with rabies in the republic, morbidity rates, factors contributing to the occurrence of epizootics and epidemics, as well as applied anti-epidemic and preventive measures. The increase in damage rates from animals with a high risk of infection, cases of incomplete urgent preventive work (active and passive immunity), and their results are highlighted. preventive measures. As a result of the analysis, an assessment of the current epidemiological situation is given and its development is predicted in the following years. There are suggestions for improving the effectiveness of anti-epidemic and preventive measures.

Keywords: rabies, epidemic, epizootic, animal injuries, vaccination, retrospective analysis, laboratory tests, regions

Қутуриш – мутлақ ўлим билан якун топадиган, глобал тарқалганлиги сабабли иқтисодий жихатдан энг аҳамиятли зооноз касалликлар гуруҳига мансуб вирусли инфекция бўлиб, ундан ўткир прогрессив энцефалит натижасида ҳар йили дунё бўйича тахминан 59,000 ўлим ҳолатлари қайд этилади. Бу касаллик 4 минг йилдан ортиқ вақт давомида маълум. Кўпчилик ҳолатлар Африка ва Осиёда кузатилади, тахминан 40.0% болаларда қайд этилади. Бошланғич босқичда бу инфекция симптомларсиз кечади, симптомлар кеч босқичда, даволаш имконсиз бўлган пайтда пайдо бўлади. [1, 2, 3, 4,5,8].

Ҳозирда қутуриш касаллиги дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида қайд этилган, ҳар йили 10 миллиондан ортиқ одам ҳайвонлардан турли жароҳатлар олади ва 4 миллион киши

кутуришга қарши махсус тиббий ёрдам олади [6,7,8].

Унинг жуда юқумлилиги, эпидемик ва эпизоотик хавфи ҳамда катта иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, қутуриш "Карантин ва айниқса хавфли ҳайвон касалликлари рўйхати"га киритилган [9,10.].

Қутуришни назорат қилиш бўйича Глобал мониторингни кўрсатишича, дунёда ҳар куни 160 киши, ҳар 8 дақиқада 1 киши бу даҳшатли касалликдан вафот этади. Бу масала бўйича энг оғир вазият Ҳиндистонда юзага келган бўлиб, ҳар йили ўртача 30 минг одам даҳшатли ўлим топади [12,13,14.].

Ҳайвонлар орасида қутуриш касаллиги Россия Федерациясининг деярли барча федерал округларида- марказий, шимолий-ғарбий, жанубий,

Волга бўйи, Урал, Сибир ва Узоқ шарк округларида қайд этилади[20.].

Россия Федерациясининг бир қатор ҳудудларида қутуришнинг табиий ўчоқлари фаоллашуви фонида эпизоотик жараёнга уй ҳайвонлари, хусусан, итлар ва мушуклар ҳам жалб этилмоқда. Вазиятни назоратсиз (қаровсиз, дайди) ҳайвонлар сонининг кўпайиши янада оғирлаштирмоқда[21.].

Россия Федерациясининг аксарият ҳудудларида қутуриш бўйича ноқулай эпидемиологик ва эпизоотологик вазият сақланиб қолмоқда. Ҳар йили одамлар орасида касалланиш ҳолатлари қайд этилмоқда, ҳайвонлар орасида касалланиш даражаси юқори бўлиб қолмоқда ҳамда қутуриш инфекцияси билан зарарланиш хавфига дуч келган аҳолининг антирабик ёрдамга мурожаат қилиш кўрсаткичлари юқори даражада сақланмоқда [22.].

Соғлиққа етказилган тўғридан-тўғри зарар, профилактика, қутуришни назорат қилиш билан боғлиқ харажатлар туфайли қутуриш кузатиладиган ҳудудларда йиллик иқтисодий йўқотишлар 400 миллион АҚШ долларида ошади [16.].

Сўнгги йилларда Россияда қутуриш тарқалиш хавфининг ошиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бу ҳолат табиий қутуришнинг кенг тарқалиши, шаҳар ва қишлоқ жойларда эгасиз ит ва мушуклар сонининг ортиши, шунингдек, итларни сақлаш қоидалари бузулиши билан боғлиқ. Ҳар йили мамлакатда инсонлар орасида 5-15 та қутуриш ҳолати қайд этилади, аҳоли орасида 100 минг кишига тўғри келадиган касалланиш кўрсаткичи йиллар давомида пасаймаган (1998й - 0.005; 1999й- 0.007 ва бошқ.) [17.].

Табиий ўчоқларнинг хавф даражасини баҳолашда итсимонлар

оиласига мансуб йиртқич ҳайвонлар зичлиги муҳим кўрсаткич ҳисобланади [18.].

Қутуришнинг табиий ўчоқлари бўйича тадқиқотлар ўтган аср ўрталарида Европада тулкилар орасида эпизоотиялар кучайиши билан жадал ривожланган. Шу муносабат билан “ўрмон қутуриши” ва “тулки қутуриши” атамалари илмий адабиётларда кенг қўлланила бошлаган.

Эпизоотия fronti Шарқий Европадан Ғарбий Европага йиллик 40-50 км тезликда силжиган. Кейинчалик тулкиларни орал вакцинация қилиш кампаниялари орқали Европа ҳудудларининг катта қисмида қутуриш бартараф этилган. Ҳозирда эътибор асосан Шарқий Европа давлатлари ва Россиянинг ғарбий ҳудудларига қаратилган [23.].

Вирус резервуарларининг алмашиши натижасида қутуриш ўчоқлари чегаралари ўзгариб, аввал соғлом ҳисобланган ҳудудларда янги ўчоқлар пайдо бўлган. Бундай ҳолатларда касаллик тарқалишининг хусусиятларини ўрганиш ва аҳоли саломатлигига бўлган янги таҳдидларни баҳолашда муҳим аҳамият касб этади [24.].

Осиёнинг барча қитъавий давлатлари қутуриш бўйича ноҳуш ҳудудлар ҳисобланади ва унда ҳар йили 30 мингдан ортиқ инсон қутуришдан вафот этади, 10 миллиондан ортиқ киши қутуришга қарши эмлашга муҳтож бўлади. Бу ҳолат қутуришнинг трансчегаравий тарқалиши муаммосининг долзарблигини оширади [25.].

Ҳудуднинг баъзи тоғолди, чўл ва яйлов қисмларида қутуриш инфекцияси ўчоқларининг мавжудлиги ва табиатда қутуриш вирусини барқарорлигини

ёввойи гўштхўр хайвонлар доимо сақлаб туриши ҳақида олимлар ўз илмий ишларида баён этишган. Қутуриш касаллигининг тарқалиш даражаси ушбу ҳудудларда яшаётган ёввойи гўштхўр хайвонларнинг сонига, кўпайиш даврига, уларнинг аҳоли томонга ҳаракатланишига, жойнинг рельефига дайди ит-мушукларнинг, кемирувчиларнинг сонига ҳамда айнан шу манзилда яшаётган касалликка мойил хайвонларнинг (айниқса дайди итларнинг) антирабик эмланганлигига боғлиқ [13,14, 15, 27, 147 -150-б.].

Озарбайжон Республикаси ҳудудида қишлоқ хўжалик хайвонларининг қутуриш вируси билан зарарланишида итларнинг ўрни катта бўлиб, касаллик ёппасига қиш ҳамда баҳорда кузатилади[26, 510 -511-б.].

Ўзбекистонда қутуриш эпизоотиясини авж олиш вақти ўрганилгач, таҳлиллар натижасига кўра касаллик мавсумийлик характериға эға эканлиги тасдиқланди. Қутуришнинг максимал тарқалиши баҳорда кузатилган бўлса, иккинчи авж олиш даври октябр-декабр ойлариға тўғри келади[27, 147-150-б., 28, 67-72-б., 29, 100-103-б.].

Эпизоотик ҳолатни табиатда барқарорлигини сақлаб турган касаллик кўзғатувчилар резервуари ҳисобланган ёввойи хайвонлардан чиябўри, тулки, бўри, шоғол, касалликни тарқатувчилар орасида эса, ит асосий ўринни эгалламоқда. Қутуришнинг табиий ўчоғида вирус резервуари бўлиб асосан ёввойи хайвонлар: итлар оиласининг-чиябўри, тулки, бўри, шоқол ва бошқ., мушуклар ва қон сўрувчи кўршапалаклар вакиллари хизмат қилади.

Башкирияда тулкилар қутуриш вирусининг асосий манбаи ва қишлоқ

хўжалик хайвонлари орасида инфекция тақатувчи ҳисобланади[30, 86-б.].

Ветеринария соҳасидаги халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра қутуриш - дунёнинг ижтимоий иқтисодиёт ва соғлиқни сақлаш соҳаларида, шунингдек, хайвонлар ва чорвачилик маҳсулотлари билан халқаро савдо ташкилотида муҳим аҳамиятға эға бўлган трансмиссибел касалликлар гуруҳиға киради [4,7, 11].

Бизнинг тадқиқотимизнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида қутуриш касаллиги тарқалишининг ўзига хос эпизоотик хусусиятларини ўрганиш ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришдан иборат бўлиб, бугунги кунда юзаға келган эпидемик-эпизоотик жараённинг ҳаракатлантирувчи кучлари, намоён бўлиши ва хусусиятларини ўрганиш, эпизоотик назорати ва инфекция кўпайишининг олдини олишға қаратилган профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари. Республикада 2005-2024 йиллар давомида ит, мушук, уй ва ёввойи хайвонлар ўртасидаги эпизоотик вазият ва улардан аҳолининг жароҳатланиш кўрсаткичлари, жароҳатланганлар орасида ўтказилган эпидемияға ва хайвонлар орасида эпизоотияға қарши профилактик чора-тадбирлар ҳақидаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизими муассасалари ҳисобот материаллари, эпизоотик суриштирув карталари,



журналлари (ф-60/сэс, ф-60/лпу, ф-2/vet ва бошқ.) даврий равишда йиғиладиган статистик ҳисобот маълумотлари, касаллик қайд этилган ҳудудлардаги эпидемиологик суриштирувлар, намуналарнинг лаборатория текширувлари, қайд этилиб рўйхатга олинган беморларни касаллик баёномалари ва уларни архив хужжатлари, эпидемиологик-эпизоотологик кўзатув ва мониторинг натижалари, ахборот, далолатнома ва маълумотлари базасидан фойдаланилди. Вазиятга баҳо беришда оператив-ретроспектив эпидемиологик таҳлил усулидан фойдаланилди.

Олинган натижалар.

Республикада 2015-2024 йиллар давомида касаллик юқиши хавфи юқори бўлган ҳолатлар - ит, мушук, уй ва ёввойи ҳайвонлар тишлаши, тирнаши ва сўлаклашидан жабрланганлар орасида ўтказилган эпидемияга ва эпизоотияга қарши профилактик чора-тадбирлар, кутуриш касаллиги билан касалланиш, уй ҳамда ёввойи ҳайвонлардан жароҳатланиш кўрсаткичлари ҳудудлар кесимида оператив-ретроспектив таҳлиллар қилинди.

Ит, мушук, уй ва ёввойи ҳайвонлар ўртасида касаллик аниқланиши ва улардан жароҳатланиш кўрсаткичларига қараб эпизоотик ва эпидемик вазиятдан келиб чиқиб республика ҳудудлари шартли равишда Шимолий - Шарқий, Марказий, Жанубий, Шимолий-Ғарбий ва Шарқий минтақаларга бўлинган (1973й. Джалилов К.Д.). Бизнинг тадқиқотимизда ушбу мезондан фойдаланилди.

Шимолий – Шарқий минтақа: Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари;

Марказий минтақа: Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятлари;

Жанубий минтақа: Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари;

Шимолий-Ғарбий минтақа: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти;

Шарқий минтақа: Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.

2015-2024 йилларда ит, мушук, уй ва ёввойи ҳайвонлардан жароҳатланган (ҳайвонлар тишлаши, тирнаши ва сўлакланиш) фуқаролар сони республика бўйича жами 575252 нафарни ташкил этган. Шу жумладан, 18 ёшгача бўлган ўртасида жароҳатланишлар сони 281104 нафар бўлиб, жами жароҳатланганларнинг 48.6% ни ташкил этади.

Шундан, энг катта кўрсаткич Шимолий-Шарқий минтақага тўғри келган - 194341 ҳолат ёки жами қайд этилганларнинг 33.7%. Марказий минтақага 22,7%, Шарқий минтақага 17,4 %, Жанубий минтақага 16,7 %, Шимолий-Ғарбий минтақага 9,3 % тўғри келган.

Шимолий-Шарқий минтақада рўйхатга олинган жароҳатланишларнинг 46.3% Тошкент вилоятига тўғри келган бўлса, Тошкент шаҳрига 24.2% , Жиззах вилоятига 14.8% ва 14.7% Сирдарё вилоятига тўғри келган.

Марказий минтақада жароҳатланишнинг 42.8% Самарқанд вилоятига, 37.6% Бухоро вилоятида ва 19.6% Навоий вилоятига тўғри келган.

Шарқий минтақада жами жароҳатланиш ҳолатларининг 40,2% Фарғона вилоятига, Андижон вилоятига 29,9% ва 29.9 % Наманган вилоятига тўғри келган.

Жанубий минтақада қайд этилган ҳолатларнинг 68.8 % Сурхондарё вилоятига ва 31,2% Қашқадарё вилоятига тўғри келган.

Шимолий-Ғарбий минтақа
худудларида қайд этилган
жароҳатланишнинг 56,6%
Қорақалпоғистон Республикасига ва
43,4% Хоразм вилоятига тўғри келган.

2015-2024 йилларда ит, мушук, уй
ва ёввойи ҳайвонлардан жами
жароҳатланган фуқаролар ўртасида фаол
аниқланганлар кўрсаткичи 2,6% ни (ҳар
йиллик кўрсаткич 1,6% дан 3,0% гача)
ташкил этган.

Жароҳатланганларнинг 72,1% ни
кишлоқ аҳолиси ва 27,9% ни шаҳарларда
яшовчи аҳоли ташкил этган.
Жароҳатланганларнинг 95,6%
жароҳатланишнинг 1-4 кун
шифоҳонага мурожаат қилишган. Жами
жароҳатланганларнинг 48,6% ини 18
ёшгача бўлган болалар ташкил этган.
Хавфли жойларидан (юз, бармоқ, кафт
ва кўп жойидан) тишланган фуқаролар
24,7% ни, сўлакланган фуқаролар эса
0,7% ни ташкил этган.
Тишланишларнинг 0,04% ини гуруҳли
тишланишлар ташкил этган, унда 1298
нафар фуқаролар жабрланган.

Шу йиллар давомида одамларга
жароҳат етказилишининг ҳайвонлар
тоифаси бўйича таҳлил қилганда :

“А” тоифадаги – қутуриш
касаллиги лаборатория усулида
тасдиқланган ҳайвонлар томонидан
тишлаш натижасида одамларга
етказилган жароҳатлар сони 152 тани
(0.02%) ташкил этган;

“В” тоифадаги – қутуриш
касаллигининг клиник белгилари намоён
бўлган ҳайвонлар томонидан тишлаш
натижасида одамларга етказилган
жароҳатлар сони 2520 тани (0.4%)
ташкил этган;

“С” тоифадаги - қаровсиз қолган
ҳайвонлар томонидан тишлаши
натижасида одамларга етказилган

жароҳатлар сони 134 227 тани (23.3%)
ташкил этган;

“Д” тоифадаги – қаровда маълум
бўлган ҳайвонлар томонидан тишлаши
натижасида одамларга етказилган
жароҳатлар сони 438353 тани (76.2%)
ташкил этган.

Жароҳат етказган ҳайвонларни
турлари бўйича таҳлил ўтказилганда,
итлардан жароҳатланганлар жами
жароҳат етказилишининг 85,5% ни
ташкил этган. Мушуклардан 9,0% ва
бошқа турдаги уй ҳайвонлар (йирик
шоҳли ва майда шоҳли чорва моллари,
от, эшак ва б.к.) жароҳат олганлар 2,1%
ни ташкил этди. Қутуриш инфекцияси,
вирусининг асосий резервуарлари
ҳисобланган ёввойи йиртқич ҳайвонлар
тишлаши, сўлаккланиши натижасида
одамларга етказилган жароҳатлар жами
жароҳатланишнинг 3,1% ни ташкил
этди.

Ёввойи ҳайвонлар тишлаши,
сўлаккланиши натижасида одамларга
етказилган жароҳатланиш таҳлилида
қўйидагилар аниқланди: Кемирувчилар
томонидан жароҳатланиш 94,3%,
чиябўрилар 2,7%, тулкилар 0,9%,
бўрилар 0,3%, маймунлар 0,2% ва
кўршапалаклар 0,1% ни ташкил этган.

Шунингдек, кам миқдорда
типратикон, тошбақа, эчкиэмар, куён
томонидан жароҳат етказилган ҳолатлар
ҳам қайд этилган.

2015-2024 йилларда республика
бўйича ҳайвонлар тишлаши, тирнаши ва
сўлаккланиши натижасида одамларга
етказилган жароҳатдан сўнг 575252 та
фуқаролар антирабик ёрдамга мурожаат
этган (ҳар 100 минг аҳолига нисбатан
исбий кўрсаткич - 135,5) ва уларнинг
573447 нафарига (99,6%) антирабик
ёрдам кўрсатилган (қутуришга қарши
эмланган).

Шартли курс - қутуришга қарши вакцина ва антирабик иммуноглобулин олганлар 436602 нафарни (76,1%) ташкил этган. Жароҳатланган шахсларга антирабик вакцина тавсия қилган ва вакцина олганлар 435691 нафарни (99,7%) ташкил этган. Жароҳат олганларнинг 911 нафарига эса антирабик иммуноглобулин тавсия қилинган (0,2%).

Тўлиқ эмлаш курсни олган, аниқроқ айтилса, қутуришга қарши вакцина ва антирабик иммуноглобулин олганлар 136845 нафари (23,8%) ташкил этди. Жароҳат олган шахсларга антирабик вакцина тавсия қилинганлар 100647 нафарни (73,5%) ташкил этган. Жароҳат олиб мурожаат қилганларнинг 36198 нафарига антирабик иммуноглобулин тавсия қилинган (26,4%).

Эмлашнинг шартли курси тайинланганлар таҳлил қилинганда 14 нафар (0,01%) фуқаролар эмлашни охиригача олмаган, 51 нафари (0,008%) эмлашдан бош тортганлиги аниқланди.

Хавфли жойларидан жароҳат олган 142571 нафар шахсларнинг 40054 нафарига антирабик иммуноглобулин тавсия қилинган (28,0%) ва уларнинг 2945 нафари иммуноглобулин олмаган (7,3%).

Жароҳат олган фуқароларнинг 438353 нафари (76,2%) эгаси маълум бўлган ҳайвонлардан, 134227 нафари (23,3%) қаровсиз, дайди итлардан, 152 нафари (0,02%) қутуриш касаллиги кейинчалик лаборатория усулида тасдиқланган, 2520 нафари (0,4%) қутуриш касаллигининг клиник белгилари намоён бўлган ҳайвонлар томонидан тишланган, тирналган ва сўлакланган. Шунингдек, жароҳат олганларнинг 17290 нафари (3,0%)

кемирувчилардан (асосан каламуш, сичқон ва куёнлардан) жабрланган.

Жароҳатланиш оқибатига қутуриш касаллигининг қайд этилиши:

Шу даврда одамларда қутуриш касаллиги жами 53 та қутуриш касаллиги қайд этилган.

Шимолий-Шарқий минтақа ҳудудларида 19 ҳолатда қутуриш қайд этилган, (Тошкент вилоятида 11 ҳолат (57,8%), Жиззах вилоятида 5 ҳолат (26,3%), Сирдарё вилоятида 2 ҳолат (10,5%) ва Тошкент шаҳрида 1 ҳолат (5,2%) ташкил этган. Таҳлил қилинган даврда республикада одамларда қайд этилган қутуриш ҳолатларининг 35,8% Шимолий – Шарқий минтақага тўғри келган.

Жанубий минтақа ҳудудларида 18 та ҳолатда қутуриш касаллиги қайд этилган - Қашқадарё вилоятида 16 та (88,8%) ва Сурхондарё вилоятида 2 та (11,7%). Бу ҳудудда қайд этилган қутуриш ҳолатлари республика кўрсаткичининг 33,9% ни ташкил этган. Бунда эътиборни тортадиган жиҳат шуки, жароҳатланишлар (тишлаш, сўлакланиш) сони Сурхондарё вилоятида Қашқадарё вилоятига нисбатан деярли 7,5 маротаба кўп, бироқ, қутуриш касаллигининг қайд этилиши Қашқадарё вилоятида қарийиб 8 мартага кўп.

Марказий минтақа ҳудудларида қайд этилган жами 11 ҳолатнинг барчаси Самарқанд вилоятига тўғри келди (100,0%). Бу республикада қайд этилган қутуриш ҳолатларининг 20,8 %ни ташкил этди.

Шимолий-Ғарбий минтақа ҳудудларида 3 ҳолат - Қорақалпоғистон Республикасида қайд этилган (100,0%). Бу республикада қайд этилган қутуриш ҳолатларининг 5,6%ни ташкил этди.

Шарқий минтақа ҳудудларида фақат Андижон вилоятида 2 ҳолат рўйхатга олинган (100.0%). Бу республикада қайд этилган қутуриш ҳолатларининг 3.7%ни ташкил этди.

Хоразм, Бухоро, Навоий, Фарғона ва Наманган вилоятларида таҳлил қилинган йиллар давомида қутуриш касаллиги қайд этилмаган.

Республика бўйича қайд этилган (53та ҳолат) таҳлил қилинганда, антирабик ёрдамга мурожаат қилмаганлар 44 та ҳолатни (83,0%), тиббиёт ходимлари хатоси туфайли эмлаш тавсия қилинмаганлар 6 та ҳолатни (11,3%), эмлаш курсини кеч бошланганлар 2 та ҳолатни (3,7%), эмлашдан бош тортганлар 1 ҳолатни (1,8%) ташкил этган. Эмлаш курсини ўз вақтида ва тўлиқ олган фуқаролар орасида касаллик қайд этилмаган.

Одамларда қутуриш касаллигининг қайд этилиши доимо мазкур касаллик бўйича эпизоотик вазиятга бевосита боғлиқ бўлиб, унга ҳар 2-3 йилда қайтариладиган даврийлик хосдир. Ўз ўрнида ушбу даврийлик ёввойи ҳайвонларнинг биологик циклига бевосита боғлиқ бўлади (ҳайвонлар ўртасида куз ва қиш фаслларида ошиши, ёш оилаларнинг оиладан ажралиб чиқиши ва овқатланадиган жойнинг ўзгариб туриши, қиш ва баҳорда ҳайвонларнинг қўшилиш даврида).

Қутуриш касаллигининг келиб чиқишида одам организмнинг қайси қисмидан вирус кирганлиги муҳим ўрин тутди ва касаллик келиб чиқишининг эҳтимоли ҳам шунга боғлиқ бўлади. Қутуриш касаллигига чалинган ҳайвон одамнинг юз қисмини тишлаган бўлса 90.0% ҳолларда, агар қўл панжаларини тишлаган бўлса 63,0% ҳолларда, оёқлардан, қўлларнинг бошқа

қисмларидан тишлаган бўлса 23.0% ҳолларда касаллик келиб чиқиши кузатилган (В.И.Пакровский, В.Л.Черкасский, 1993). В.Л.Черкасскийнинг маълумотларига кўра, қутуриш касаллигининг 30.0% қутуришнинг табиий ўчоқларида, 70.0%га яқини антропоургик ўчоқларда қайд этилган. Ўзбекистонда эса, бу кўрсаткич мос равишда 20,8 -22,0%%ни ташкил этади. Одамлар ўртасида касалликка берилувчанлик юқори. Касалликнинг асосий салмоғи 20-30 ёшли аҳоли қатламига тўғри келади (50.0%), 4-14 ёшлиқлар касалликнинг 30.0%ни ташкил этади, ҳайвонлар билан мулоқат чекланмаганлиги сабабли 4 ёшгача бўлган болалар ўртасида ҳам қутуриш касаллиги учраб турибди (ЖССТ ахбороти).

2015-2024 йилларда қутуриш касаллигини олдини олиш мақсадида профилактик эмлаш ишларини антирабик вакцина ва антирабик иммуноглобулин препаратларини харид қилиш учун 750.0 млрд сўмдан ортик маблағ сарфланган.

Хулосалар

1. Республикада қутуриш касаллиги бўйича мураккаб эпизоотик ва эпидемик вазият сақланиб қолмоқда.

2. Касаллик юқиши хавфи юқори бўлган ҳайвонлардан жароҳатланиш йиллар давомида ошиб бориб, унга мос равишда одамлар ўртасида қутуриш билан касалланиш кўрсаткичлари ортган (2015-1 та, 2016-3 та, 2017-5 та, 2020-7 та, 2022-10 та ва 2023-7 та).

3. Жароҳатланишлар таркибида қаровда (эгаси маълум) бўлган ҳайвонлар (асосан итлар 85.5% ни) томонидан тишланишлар энг кўп қайд этилган (76.2%). Шунингдек, ёввойи ҳайвонлардан жароҳатланишлар ва

улардан касалликни юктириш ҳолатлари ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

4. Таҳлил даврида республикада одамлар орасида қайд этилган қутуриш ҳолатларининг 35.8% Шимолий – Шарқий минтақага, 33.9% Жанубий минтақага ва 20.7% Марказий минтақага тўғри келган.

5. Жароҳатлангандан сўнг тиббий ёрдамга кеч мурожаат қилиш ва тиббий – эпидемиологик кўрсатма бўлишига қарамасдан антирабик иммуноглобулин олишни тавсия этмаслик ва антирабик ёрдам тўлиқ олинмаганлиги қутуриш касаллиги келиб чиқишининг асосий сабаблари эканлиги ўз тасдиғини топди.

Башорат: Касаллик юқиши хавфи юқори бўлган уй ҳамда ёввойи ҳайвонлардан жароҳатланишларнинг ортиб бориши, тиббий-эпидемиологик кўрсатма бўлишига қарамасдан ҳар йили ўртача 5.0-10.0% жароҳатланганлар антирабик ёрдамга мурулжаат қилишмайди ва тегишли ёрдамни олишмайди, ҳайвонларни қутуриш касаллигига қарши эмлаш, қутирган ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларга риоя қилган ҳолда кўмиш жараёнлари ҳақида аниқ маълумотларнинг мавжуд эмаслиги, одамлар ва ҳайвонларда касаллик қайд этилган носоғлом ҳудудларда эпизоотияга қарши чора-тадбирларнинг етарли даражада амалга оширилмаётганлиги келгусида республикада эпизоотик ва эпидемик вазият мураккаблашиб бориши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бориши ва унга мос равишда аҳоли яшаш пунктларининг кенгайиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши кабилар

ёввойи ҳайвонларнинг яшаш ареаллари ва ҳудудларининг камайиб кетишига олиб келади, бу эса ушбу ёввойи ҳайвонларнинг аҳоли пунктларига яқинлашишига олиб келиб уй ҳамда ёввойи ҳайвонлар, қолаверса, одамлар ўртасида зооноз касалликларнинг кўплаб қайд этилишини таъминлайди.

Тавсиялар.

-эпизоотик мониторинг ишларини ва чора-тадбирларини кучайтириш. Ёввойи ҳайвонларнинг аҳоли пунктларига кўпроқ яқинлашаётганлиги, улардан жараҳатланишлар ортаётганлигини инобатга олиб касалликларни уй ҳамда ёввойи ҳайвонлар ва одамлар ўртасида қайд этилишини олдини олиш мақсадида қутуриш ва бошқа хавфли зооноз касалликларнинг олдини олишга қаратилган дастуртадбирларни амалга ошириш;

-ёввойи ва уй ҳайвонларини қутуришга қарши эмлаш ишларини тўғри режалаштириш ва амалга ошириш;

-антирабик ёрдам учун вакцина ва зардоблар учун катта маблағ сарфланаётганлиги, шунга қарамасдан касалланиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлигини инобатга олиб, ҳайвонлардан жароҳатланишнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб антирабик ёрдам тайинлаш ва унинг тўғри ҳамда тўлиқ ўтказилишига эришиш;

- қутуриш профилактикасига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини қайта кўриб чиқиш, тиббиёт ходимлари ва ҳайвон эгалари масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Апалкин В.А., Ведеркников В.А., Балдина И.В., Яременко Н.А., Гулюкин А.М. Ветеринария, 2004, 12, 3-7.



2. Андерсонс З.Э. 1984. Особенности эпизоотологии и основные направления совершенствования мероприятий по борьбе с бешенством в Латвийской ССР. Автореф. дисс. ... канд. вет. наук. Москва. 24 с.
3. Бугацкий Л.П. 2002. Значение рукокрылых в эпидемиологии лиссавирусных инфекций. Ветеринарная патология. 1: 26-31.
4. Гулюкин А.М. Бешенство. Современная система анализа и контроля эпизоотического процесса на территории Российской Федерации. Автореф. дисс. док. вет. наук. 2018г. Москва. 43 с.
5. Макаров В.В. 2002. Бешенство: очерк мирового нозоареала и общие элементы контроля. Ветеринарная патология. 1: 12-20.
6. Улмасова С.И., Касимов И.А., Шомансурова Ш.Ш. “Эпидемиология и профилактика бешенства”.М. 121с. Ташкент 2021г.
7. Dan L. Longo, Dennis L. Kasper, J. Larry Jameson, Anthony S. Fauci, Harrison's principles of internal medicine (18th ed.). New York: McGraw-Hill Medical Publishing Division, 2011.
8. Manning SE, Rupprecht CE, Fishbein D, et al. Human rabies prevention--United States, 2008: recommendations of the Advisory Committee on Immunization Practices. MMWR Recomm Rep. May 23 2008;57:1–28.
9. Hemachudha T. Human rabies: clinical aspects, pathogenesis, and potential therapy. Curr Top Microbiol Immunol. 1994;187:121–43.
10. Gerald L. Mandell. Mandell, Douglas, and Bennett's Principles and Practice of Infectious Diseases: Expert Consult Premium Edition. Churchill Livingstone, 2009.
11. Rotivel V. Et al, 1998; WHO technical report series, 2004; Бюл. ВОЗ 7.12, 2007
12. Дедков В.Г., Девяткин А.А., Полещук Е.М и др. Разработка и апробация набора реагентов для определения РНК классического вирусов бешенства методом ОТ-ПЦР в реальном времени. // Вопросы вирусологии. – 2016. №61 (5). -С. 235-240
13. Самуйленко А.Я. и др. Инфекционная патология животных- Москва. ИКЦ “Академкнига”-2006. -290-320 с.
14. Сидоров Г.Н., Полещук Е.М.,Сидорова Д.Г. Природный очаги бешенства в России в XX - начале XXI веков. //Ветеринарная патология. -2004. -№3. -С.86-101.
15. Селимов М.А. Современные достижения в области рабиологии. //-М.,1987. - С. 69-112.
16. Селимов М.А. Некоторые особенности современной эпизоотологии и эпидемиологии бешенства //Журн.микробиол.-М., 1972. №11. -С.129-138.
17. Александрова Ю.В., Магзанова Д.К., 2023 й.Соғлиққа етказилган зарар, харажатлар ва иқтисодий йўқотишлар.
18. Целковский А.В. ва хаммуаллифлар, 2019й. Эпидемиология вируса бешенства (Сборнике: Актуальные проблемы биоразнообразия и биотехнологии. Материалы II Международной научно-практической конференции. Астраханы, 2023.С.7-9.
19. Бондарчук В.В., 2022 й. Профилактика бешенства. В сборнике: Актуальные вопросы медицинской науки и практики. В.П.Зимин. Тамбов, 2019. С. 146-154.

20. Онищенко Г.Г., 2005; Сидоров Г.Н., 2009. Белчихин А.В., 2011.
21. Ведерников В.А., 2002,2008; Дудников С.А., 2002; Бондаренко А.Л., ва бошк., 2009, 2010.
22. Топорков В.П., ва бошк., 2007; Андрейтсен К.М., ва бошк., 2009. Онищенко Г.Г., 2012.
23. Ботвинкин А.Д., Сидоров Г.Н., Зарва И.Д., и др. Ретроспективная оценка реализации долгосрочного прогноза пространственного распространения бешенства в азиатской части России проблемы особо опасных инфекций. -2020.-№2. -С.13-21.
24. Ботвинкин А.Д., 2020. Для повышения эффективности Этих мероприятий необходимы качественные материалы о распространении Бешенства по территории России в том числе в Сибири.
25. Гаврилов А.В., Зотова А.В., и др Бешенство. //Благовешененск, 2020.
26. Киселёва Т.Ф., Антонес А.А., Пузина Н.В.,2023. Қутуришнинг трансчегаров тарқалиши муаммосини долзарблиги.
27. Сафаров Р.К. Эпидемиологическая характеристика бешенства в Азербайджанской ССР //Вопросы вирусологии. Тезисы конференции. -М., 1975. - С.510-511.
28. Маматов Н.М., Ҳазраткулов Т.М. Эпизоотология бешенства в Узбекистане //Болезни сельскохозяйственных животных. – Тошкент, 1973. – Вып. XXI. -С. 147-150.
29. Маматов Н.М. Изучение биологических особенностей штаммов уличного вируса бешенства, выделенных от животных и птиц в Республике Узбекистане //Болезни сельскохозяйственных животных. – Тошкент, 1979. – Т. XXIX. -Ч.1. -С.67-72.
30. Маматов Н.М. Изучение биологических особенностей штаммов уличного вируса бешенства, выделенных от животных и птиц в Республике Узбекистане //Болезни сельскохозяйственных животных. – Тошкент, 1979. – Т. XXIX. -Ч.2. - С.100-103.
31. Хазиев Г.З., Муратшин Г.Н. Экология вируса бешенства // Регионарные проблемы экологии. Тезисы докл.конф. -М.,1985.-Ч.2. -С. 86-87.